

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

3 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

ТОМ 3, НОМЕР 1

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 3, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2021

Бош муҳаррир: / Главный редактор: / Chief Editor:

Хамидов Муҳаммадхон Хамидович
*қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти профессори*

АГРО ПРОЦЕССИНГ журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала АГРО ПРОЦЕССИНГ
Editorial Board of the journal of AGRO PROCESSING

- **Исаев С.Х.**, қишлоқ хўжалиги фанлар доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти профессори

- **Бегматов И.А.**, техника фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти профессори

- **Суванов Б.У.**, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази Илгор агротехнологияларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий қилишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиги

- **Бабажанов А.Р.**, иқтисод фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

- **Рахмонов Қ.Р.**, иқтисод фанлари номзоди., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

- **Баратов Р.**, техника фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

- **Касымбетова С.А.**, техника фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институти доценти;

- **Нормуратов И.Т.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр университети доценти;

- **Худайкулов Ж.Б.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр университети доценти;

- **Каримов М.У.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр университети доценти;

- **Соатов Ў.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр университети профессори;

- **Анорбоев А.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр университети доценти;

- **Юлдашев Я.Х.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр университети доценти.

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Хамидова Макнона, Мехмонов Бахтиёр, Очилов Шерали “ARCGIS” ДАСТУРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КАРТАСИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	4
2. Муратов Окилбек ЗАХ ҚОЧИРИШ ТИЗИМЛАРИ КОЛЛЕКТОРЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ.....	10
3. Жумаев Фарход, Атаева Замира ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА «Indigofera tinctoria L.» ЎСИМЛИГИНИ АҲАМИЯТИ.....	18
4. Азизов Шохрух, Абдукаримов Аброр, Кенжаев Дониёр, Абдукаримова Зулайхо, Холмуродов Нурмухаммад ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	23

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Азизов Шохрух Нўмонжон ўғли

Ассисент Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
azizov_shohrux@mail.ru

Абдукаримов Аброр Баходир ўғли

Кичик илмий ходим Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза
қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти
a.abdukarimov1995@mail.ru

Кенжаев Дониёр Шавкат ўғли

Кичик илмий ходим Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза
қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти
kenjayevdoniyor1@gmail.com

Абдукаримова Зулайхо Акбар кизи

магистрант Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

Холмуродов Нурмуҳаммад Данабой ўғли

магистрант Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Azizov Shohruh, Abdugarimov Abror, Kenjayev Doniyor, Abdugarimova Zulykho, Holmurodov Nurmukhammad, THE VALUE OF DRIP IRRIGATION OF COTTON IN THE CONDITIONS OF MEADOW SOILS OF THE TASHKENT REGION. Journal of Agro processing. 2021, vol. 3, Issue 1, pp.23-28



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2021-1-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Тошкент вилояти ҳудудида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ғўзани томчилатиб суғориш технологиясининг самарадорлиги ва ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: ғўза, тупроқ, сув танқислиги, томчилатиб суғориш, суғориш меъёри, мавсумий суғориш меъёри, фенологик кузатувлар, ҳосилдорлик, сув тежамкор технология, суғориш.

Азизов Шохрух Нуъмонжон угли

ассисент Ташкентский институт инженеров ирригации и
механизации сельского хозяйства
azizov_shohrux@mail.ru

Абдукаримов Аброр Баходир угли

младший научный сотрудник Научно-исследовательский

инстит токружающей среды и прироохранных технологий
a.abdukarimov1995@mail.ru

Кенжаев Дониёр Шавкат угли
младший научный сотрудник Научно-исследовательский институт
токружающей среды и прироохранных технологий
kenjayevedoniyor1@gmail.com

Абдукаримова Зулайхо
магистрант Ташкентский институт инженеров ирригации и
механизации сельского хозяйства

Холмуродов Нурмухаммад Данабой ўгли
Ташкентский институт инженеров ирригации и
механизации сельского хозяйства

ЗНАЧЕНИЕ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ ЛУГОВЫХ ПОЧВ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены результаты экспериментов, проведенных по изучению эффективности технологии капельного орошения и ее влияния на урожайность хлопчатника на орошаемых луговых почвах Ташкентской области.

Ключевые слова: хлопчатник, почва, дефицит воды, капельное орошение, оросительная норма, вегетационная норма полива, фенологические наблюдения, урожайность, водосберегающие технологии, орошение.

Azizov Shohruh

assistant Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization Engineers
azizov_shohruh@mail.ru

Abdukarimov Abror

Junior Researcher Research institute of Environmental and
Nature Protection Technologies

Kenjayevedoniyor

Junior Researcher Research institute of Environmental and
Nature Protection Technologies

Abdukarimova Zulykho

master degree Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization Engineers

Xolmurodov Nurmukhammad

master degree Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization Engineers

THE VALUE OF DRIP IRRIGATION OF COTTON IN THE CONDITIONS OF MEADOW SOILS OF THE TASHKENT REGION

ANNOTATION

The article presents the results of experiments conducted to study the effectiveness of drip irrigation technology and its effect on cotton tree on irrigated meadow soils of the territory of Tashkent region.

Key words: cotton, soil, water scarcity, drip irrigation, irrigation rate, vegetation irrigation rate, phenological observations, yield, water saving technologies, irrigation.

Кириш. Бугунги кунда республикамиздаги сув ресурсларининг етишмаслиги ва суғориладиган майдонларга ўз вақтида етказиб олиб борилмаётганлиги, сув тежамкор суғориш технологияларига бўлган эътиборни талаб даражасида эмаслиги, доимий равишда ер устидан суғориш натижасида суғориш даласи яъни эгат узунлиги бўйича тенг намланмаслиги

экин ҳосилдорлигини камайишига, шунингдек, бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг натижасида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ва суғориладиган ерларнинг шўрланиш ҳолати ҳам айрим вилоятларда кузатилишига сабаб бўлмоқда. Юқорида келтирилган муаммоларни олдини олиш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27-декабрдаги ПҚ-4087-сонли “Пахта хом-ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019-йил 9-октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4486-сонли қарорига биноан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, сув тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш масалалари асосий вазифалардан қилиб белгиланган [1,2,3,4].

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги тобора кучайиб бораётган даврда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги суғориладиган майдонларида ғўза етиштиришда сув тежамкор суғориш технологияларидан айниқса, томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш, суғориш усулнинг қай даражада самарадорлигини, унинг аҳамиятини ўрганиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.


Тадқиқотнинг объекти. Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги ТСТ “Cluster” МЧЖ суғориладиган майдонларида ғўзани томчилатиб суғориш технологиясининг аҳамияти бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тадқиқотнинг услублари: Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фено-логик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротех-нологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (УЗПИТИ 2007 йил) га асосан олиб борилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Ҳозирги сув тақчиллиги муаммоси кучайиб бораётган даврда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежамкор суғориш технологияларидан фойдаланиш кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Республикамизда айниқса, томчилатиб суғориш технологиялари билан суғориш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Томчилатиб суғориш усули ўзининг юқори самарадорлиги, яъни сув ресурслари чекланганлик шароитида кам сув сарфлаб барқарор ва юқори ҳосил олиш имконини бериши билан ажралиб туради. Ушбу технологиянинг афзаллик жиҳати шундаки, мазкур суғориш усулида тупроқнинг намлиги ва берилаётган сув миқдори бошқарилади, сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда тақсимланади. Бошқа суғориш усулларида фарқли ўлароқ, томчилатиб суғоришда суғориладиган майдон тупроғи эмас, фақатгина қишлоқ хўжалиги экиннинг илдизи ривожланадиган тупроқ қатлами суғорилиб, ўсимлик учун мақбул бўлган сув-физик муҳит яратилади. Экинга сув ва озик моддалар унинг эҳтиёжига мос равишда кичик миқдорларда тез-тез берилади. Бу усул орқали экин илдиз қатлами намлик билан доимий таъминланиб, сув ва озик моддаларни олишига имконият яратилади. Бу ҳолда ўсимлик ўз энергиясини тўлалигича ўсиб-ривожланиш ва ҳосилини кўпайтиришга йўналтиради. Натижада ҳосилдорлик боғ ва токзорларда 40, пахта ва сабзавот пайкалларида 60 фоизгача ортади. Томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини тежашда намоён бўлади. Бунга суғориш режимининг ўзига хослиги, буғланишнинг пастлиги, суғориш жараёнида оқова сувларни ҳосил бўлмаслиги, суғоришда суғориш сувидан самарали фойдаланишга эришилади. Энг муҳими, томчилатиб суғоришда сув ўсимликка шланглар воситасида етказиб берилганлиги учун дала тупроғи қотмайди, натижада қатор ораларига ишлов беришга эҳтиёж

туғилмайди. Тупроғи қотмаган майдон эса мавсум охирида сифатли ва осон ҳайдалади. Ўғит сув билан бирга берилганлиги боис, ўғитлаш учун техника ишлатишнинг зарурияти йўқолади. Натижада меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари тежалади. Далада сувчиларнинг қўл меҳнати кескин камаяди[5].

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги ТСТ “Cluster” МЧЖнинг жами 134 гектарлик томчилатиб суғориладиган майдонидан тажриба майдони сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги, 6-участкасида жойлашган 24 гектарлик майдони илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун танлаб олинди. Суғориладиган тажриба майдонининг асосий сув манбаи Тошкент денгизи бўлиб, “Ханский ДУК-9” канали суғориш тармоғи орқали суғориш суви етказилади. Хўжалик ерлари текисликлардан ташкил топган. Ер усти “Болтиқ” денгизига нисбатан ўртача баландлиги 450-500 м га тенг.



1-расм. Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги Ўзбекистон ҳудудининг жойлашув харитаси

ТСТ майдонида эгатлар ораси 90 см қилиб олинган, томчилатиб суғориш қувурлари эгат оралатиб 180 см да жойлаштирилган. Томизгичлар орасидаги масофа 20 см дан, томизгичлар сони эса 1 гектарга- 27777 дон. Тажриба майдонида 5-июлдан 11-сентябргача томчилатиб суғориш усули билан жами 11 марта суғориш ишлари ташкиллаштирилди. Хўжаликнинг мавсумий суғориш меъёри $2376 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этди.

1-жадвал. Ёўзани суғориш режими

Суғоришлар сони		Суғоришлар муддати	Суғориш меъёри, $\text{м}^3/\text{га}$
Томчилатиб суғориш			
1		05.06	166,7
2		11.06	171,5
2		20.06	178,1
3		02.07	189,6
4		14.07	223,4
5		29.07	225,6
6		08.08	220,8
7		19.08	214,5
8		24.08	211,6
9		29.08	202,1
10		3.09	192,5
11		11.09	179,4
Жами	11	05.06-11.09	2376
Эгатлаб суғориш			
1		03.06	700
2		29.06	1200
3		15.07	1100
4		06.08	600

Жами	4	03.06-06.08	3600
------	---	-------------	------

Ўтказилган тажрибалардан келиб чиқсак, томчилатиб суғориш усулида мавсумий суғориш меъёри- 2376 м³/га ни, эгатлаб суғоришда эса мавсумий суғориш меъёри 3600 м³/га ни ташкил этди. Бундан кўринадики, томчилатиб суғориш усулида эгатлаб суғориш усулига нисбатан 34 % сув тежалганлиги-ни жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

1 центнер ҳосил олишда сарфланган суғориш суви миқдори томчила-тиб суғориш усулида 71,56 м³/ц , эгатлаб суғориш усулида эса 143,42 м³/ц сув сарфлангани аниқланди.

2-жадвал. Пахта хом-ашёсини йиғиб олишни ҳисобга олиш

Кўрсаткичлар	Миқдори	
	Томчилатиб суғориш	Эгатлаб суғориш
Ўсимликлар турғунлигининг зичлиги, минг дона/га	90	85
Бир кўчатдаги кўсақлар сони, дона/ўсимлик	15.9	8.9
Бир кўсақдаги пахтанинг вазни, г	3.9	3.9
Тола чиқиши, %	34.8	34.8
Биологик ҳосил ц/га	55.81	29.5
Ҳақиқий ҳосил, ц/га	33.2	25.1

Ғўзанинг ўсиб, ривожланишига ва ҳосилдорлигига суғоришнинг таъсири муҳим аҳамият касб этади. Ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, томчилатиб суғориш усулида бир кўчатдаги кўсақлар сони 15,9 донани, эгатлаб суғориш усулида эса 8,9 донани ташкил этди. Ғўзанинг биологик ҳосили кўрсаткичлари томчилатиб суғориш усулида 55,81 ц/га ни, эгатлаб суғориш усулида 29,5 ц/га ни ташкил этди. Ҳосилдорлик эса томчилатиб суғориш усулида 33,2 ц/га ни, эгатлаб суғориш усулида эса 25,1 ц/га ни ташкил этган. Томчилатиб суғорилган мавсумда ҳосилдорлик эгатлаб суғорилган мавсумга нисбатан 8,1 ц/га га яъни 32,3 % га ортди.

Хулоса. Ўтказилган тажрибалардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ғўза экинни етиштиришда томчилатиб суғориш усули қўлланилганда, унинг самарадорлигини куйидаги кўрсаткичларда кўришимиз мумкин. Анъанавий суғориш усулига нисбатан 34 % га суғориш суви тежалди, ҳосилдорлик эса 32,3 % га ортди.

Ғўзани томчилатиб суғориш усулида суғорилганда яхши ривожланиши, ҳосилдорлигини ортишига куйидаги омилларни келтиришимиз мумкин. Томчилатиб суғоришда минераллар ўғитларни сувда эритиб ўсимлик илдизига тўғридан-тўғри суғориш билан берилиши, бунинг натижасида ўсимликни минерал ўғитларни осон ўзлаштиришини, суғориш жараёнида эгат узунлиги бўйича намликнинг бир текис намланишини айтиб ўтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури» тўғрисидаги ПҚ-3405 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-

- тадбирлари” тўғрисидаги ПФ-5742-сон Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-4499-сонли қарори.
 5. Маматов С.А. Томчилатиб суғориш тизими (тарихи, тавсифи, афзалликлари, элементлари, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш). Тошкент. Меҳридарё МЧЖ. 2012. 80 б.
 6. Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения. Ташкент. СоюзНИХИ, 1981. 322 с.
 7. Методики агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. Изд. 5-е доп. Ташкент. СоюзНИХИ, 1977. 187 с.
 8. Методы агрофизических исследований почв Средней Азии. Ташкент. СоюзНИХИ, 1973. 176 с.
 9. Нурматов Ш.Н., Мирзажонов Қ.М., Авлякулов А.Э., Безбородов Г.А., Ахмедов Ж.А., Тешаев Ш.Ж., Ниёзалиев Б.И., Холиқов Б.М., ва б. Шамсиев А.С. таҳрири остида Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. ЎзПТИ, 2007. 147 б.
 10. Эсанбеков Ю. Капельное орошение хлопчатника активированной водой на типичных сероземах Ташкентской области. Автореферат на соиск. к. с/х. наук. Ташкент, 1998. 12 с.
 11. Ибрагимов Ш.И., Безбородов Г.А., Комилов Б.С. Ресурсосберегающая технология возделывания хлопчатника при капельном орошении, «Хлопководства», 1994, № 1-2, стр.16-18.
 12. Духовный В.А. Капельное орошение-перспективы и препятствия. // Сб. научных трудов по капельному орошению НПО САНИИРИ. Ташкент, 1995. 386 с.
 13. Новикова А.В., Цой З.И. “Капельное орошение хлопчатника” // Сб. научных трудов, НПО САНИИРИ. Ташкент, 2004.
 14. Урунов И.С., Эшматов О.Г. и др. Результаты исследования по изучению влияния капельного орошения на внедрение насекомых, болезни и сорняков в посевах хлопчатника. // Сб. научных трудов, НПО САНИИРИ. Ташкент, 1995. 45-48 с.
 15. Эсанбеков Ю. Эффективность капельного орошения хлопчатника активированной водой. // Сб. тезисов докладов республиканской конференции НПО САНИИРИ. Ташкент, 1995. 53 с.



ISSN 2181-9904

Doi Journal 10.26739/2181-9904

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

3 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

ТОМ 3, НОМЕР 1

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 3, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000